



ЭРТАНГИ ТАРАҚИЁТНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ

Сўнги йилларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, ўз ҳуқуқини билган ва ҳимоя қилганлар ҳаётда адашмайди.

Мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда амалга оширилётган барча ислохотларда ёшларимиз фаол иштирок этмоқда. Зеро, улар эртанги кунимиз эгаларидир. Ёшлар масаласи давлат сўбатининг устувор вазифаларидан биридир. Уларни соғлом, маънавий етук, ватанпарвар қилиб тарбиялаш мақсадида қабул қилинган қонунларни алоҳида таъкидлашимиз керак. Мазкур ҳужжатлар давлатимиз томонидан эртанимиз эгалари бўлиши ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Мамалятимизда Конституция асосида миллий қонунчилик тизими яратилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали ишлаши жараёнини ёшларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис галдаги устувор вазифалардан бири мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Сабаби, бугунги ёшлар Ўзбекистон давлатининг эртанги тараққиётини белгиловчи куч саналади. Шу зўнган назардан қараганда, мамлакатимиздаги бугунги ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади айнан мустақиллик мафҳураси руҳида тарбияланаётган, миллий ва умумбашарий қадриятларни кенг ўзлаштириётган ёшларимизнинг истиқболлиги қаратилган.

Зеро, Конституция ва қонунлар ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги устувор бўлган давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўлади. Ҳар бир шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва уни амалда ҳимоя қила олиши мамлакат тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда инсон тақдирини, ҳуқуқлари, манфаатлари, эркинлиги муҳим ҳисобланади. Фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билиши ва ундан амалда фойдалана олиши лозим. Бунинг учун эса ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, мактабларда, лицей ҳамда олий ўқув юрталарда ҳуқуқий билим бериш самарадорлигини ошириш зарур. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтишимиз керакики, ҳуқуқий билимга эга бўлган ёш қадамини ўйлаб босади, ҳар бир хатти-ҳаракати баҳо беради, оқибатини ўйлайди. Ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган авлод жамият ривожига хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданияти юксалган ёшлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран ағлаб этади.

Давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим ва тарбиясига оид қилинаётган ишларнинг барчаси уларнинг билимини, бахтли, баркамол бўлиб улғайишларига хизмат қилади.

Салим МАХМАНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК
департаменти
Учтепа туман бўлими қатта инспектори

Инсоният тафакқури ва амалиёти тарихида таълим-тарбия ҳамиша жамиятдаги қадриятлар билан чамбарчас боғланган ҳолда унинг маънавий таянчи ҳисобланган. Бугунги кунда ёш авлод тарбиясига эътибор давлатимиз сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Чунки ёшлар – бизнинг келажакимиз. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши айнан ёш авлодни қай йўсинда тарбиялашимизга боғлиқ.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳар бир қатламнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бу борада юртимизда олиб борилаётган ижобий ишларни ҳаттоки айрим ривожланган мамлакатларда ҳам учратиш мумкин. Бу ҳам истиқлолнинг бизга берган бир тўғасидир. Фирқимизни Мирзо Улуғбек туманида барча замонавий таълим талабларини ҳисобга олиб қурилиб, фаолият олиб бораётган Иқомиятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи мисолида давом эттирсак. Бугун бу ўқув даргоҳида республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 600 га яқин имкониятлари чекланган болалар таълим олиб, касб-хунар сирларини ўрганишмоқдалар.

Билим даргоҳининг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларга касб-хунар сирларини чуқур ўргатиш ва уларнинг ақлий салоҳиятларини ривожлантиришга қаратилган. Коллежга ёшидан қатъий назар таянч-ҳаракат аппарати, кўриш буйича ва эшитиш буйича ногиронлиги мавжуд ёшлар ўқишга қабул қилинади.

Давлат органларига ишимиз тушганида турлича маъмурий тартиб-таомилларга, ҳар хил талаблар белгиланганига дуч келамиз. Уларнинг айримларида сансоларлик ва ҳужжатбозлик каби кайфиятимизга салбий таъсир қилувчи ҳолатлар ҳам учраб туради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Шундай ҳужжатлардан бири – “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни шу йил 9 январда матбуотда эълон қилинди. Қонун 7 боб, 88 моддадан иборат бўлиб, расмий эълон қилинган кундан эътиборан ун икки ой ўтган кунга киради.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишда қонун муҳим ўрнни тутди. Зеро, қонуннинг мақсади – маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларига нисбатан уларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рўхсат бериш, рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларга, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишлари юретиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юретиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайдиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Садароқ қилиб тушунирадиган бўлсак, давлат органига илгари бирон бир ҳужжатни тақдим этган бўлсангиз, у сиздан янги муражатингизда яна шу ҳужжатни талаб қилишга ҳақли эмас.

Янги қонун қабул қилинди

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

ҳисобланади, деб белгилаб қўйилди.

Ҳужжатнинг ҳақиқийлиги шубҳа пайдо бўлган тақдирда маъмурий орган уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўриши керак. Яъни асосий гуноҳлар асосида шахсни овоза қилишга чек қўйилади.

Қонунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиши, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилиниши ҳам, таъбир жоиз бўлса, инқилобий янгиликдир. Чунки инсон манфаатлари унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, бошқаларнинг хато ва камчиликлари туфайли азият чекмаслиги лозим.

Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қондалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқлаб қўйилди.

Маъмурий органлар манфаатдор шахслар илгари ушбу шахслар томонидан бошқа ҳаракатлар доирасида бажарилган талабларни қўйишга ҳақли эмас. Агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига кўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз ичига олса, ушбу ҳужжатлар

қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас. Садароқ қилиб тушунирадиган бўлсак, давлат органига илгари бирон бир ҳужжатни тақдим этган бўлсангиз, у сиздан янги муражатингизда яна шу ҳужжатни талаб қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, шахсни овоза қилиб, керак маълумот тақдим этилса-да, уни қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди. Қайд этиш жоизки, буларнинг барчаси бюрократия илдизига болта уришга, ҳужжатбозлик, сарсонгарчиликка нукта қўйишга хизмат қиладиган нормалардир. Базан шундай ҳолатлар ҳам бўлади. Қонунда ана шундай ҳолатларга бундан кейин чек қўйиш, одамларнинг ўзини яқин қилиш мақсадида маъмурий иш юретишнинг “бир дарча” орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Қонун ҳужжатларида айрим масалаларни ҳал этиш ваколатли органларнинг ўз ихтиёрига берилганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ органлар мазкур маъмурий ихтиёрийликни қонун ҳужжатларида қўзғалган мақсад ва доирада амалга ошириши лозимлиги ҳақида аниқ, равшан талаб белгиланмаган эди. Мазкур қонунда ушбу ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирлиб, маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шартлики, маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак, деган қоида ўрнатилди. Бу турли сунистьёмолчиликларнинг олдини олиш, ихтиёрий масалаларни турлича талқин қилишларга ўзига хос чеклов бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун инсон ҳуқуқи ва эркинликларини қонуний равишда, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлашда, мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансоларлик ва ҳужжатбозлик кўринишларига барҳам беришда мустаҳкам қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Миразвал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлари доктори, доцент

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

Коллежда жисмоний ҳаракатлар чекланган ёшларни ишончли равишда ривожлантириш мақсадида ўқитиш 2 ва 3 йиллик ўқув дастурлари асосида амалга оширилиб, 7 та йуналишда касб-хунар сирлари ўргатишмоқда. Ўқувчилар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Биз ушбу мақолада ўқув даргоҳида яратилган шарт-шароитлар ҳақида эмас, балки жисмоний имкониятлари чекланган бўлсада, илм, касб-хунар сирларини пухта эгаллаш билан бир қаторда, жаҳон ареналарида спортнинг турли йўналишларида зафар қўчиб, ойна юртимизни дунёга танитишда беминнат ҳисса қўшаётган коллеж ёшлари фаолиятига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бугунги кунда ўқув масканиди жисмоний имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яра-

тилган. Яшил спорт майдони, барча замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали ёшлар ихтиёрида. Малакали мураббийлар қўли остида ўқувчилар дарс жараёнидан ташқари, 5 та спорт тўрагада мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Йўналишда эришилаётган ютуқлар эса кўзни қувонтиради.

Утган йиллар давомида коллеж спортчи ёшлари Республика оқчи чемпионатларида, халқаро мусобақаларда, жаҳон чемпионатларида ва Паралимпия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашди.

Мусобақаларда ўзини яхши кўрсатган 8-ғруҳ ўқувчиси Фаррух Абдуллаев футбол бўйича миллий терма жамоа таркибига киритилди. 2017 йили ноябрь ойида футбол спорт тури бўйича Таиланда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 1-ўринни эгаллади ва коллеж ўқувчиси Фаррух Абдуллаев рақиб жамоага 10 та гол уриб, турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

Энг асосийси, бу ёшларнинг жисмоний имкониятлари чекланган бўлсада, қалбларида эртанги кунга ишонч, умид уйғотилган. Улар Юртбошимиз, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис этиб, Ватанини шарафлаш йўлида олға интилишмоқда. Қалбимиздаги шижоат ва матонат ўти сўнмасин. Ойна юртимизни дунёга танитишда, жаҳон ареналарида мамлакатимиз байроғини янада баланд кўтаришда сизга омад ёр бўлсин.
Зиёда РАСУЛОВА

ҲАЖ ВА УМРА САЁҲАТ ЭМАС, УЛУҒ ИБОДАТДИР

Абдуллоҳ Ҳамдамов 1938 йил Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Деҳқонтўда қишлоғида таваллуд топган. Илк диний сабоқини падари бизруквори Ҳамдамов отадан олган. 1963 йил Мир Араб мадрасасига ўқишга киради. 1971 йил мадрасани тамомлаб, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги “Тўйтепа” жоме масжидида имомлик фаолиятини бошлайди. Бир йилдан сўнг Тошкент шаҳри Яққасарой туманидаги “Ракат” жоме масжидига ишга ўтади. У ушбу масжидда қарийб қирқ йил сидқидилдан хизмат қилган. Шунингдек, имом-хатиблиқдан узилмаган ҳолда 1975-1980 йилларда Тошкент темир йўл вокзалида темирйўлчи, 1980-1990 йилларда Геология малака ошириш марказида хизматчи бўлиб ишлаган.

Фахрий имом Абдуллоҳ домла Ҳамдамовдан Ислам динининг бешинчи рўқни бўлган ҳаж ибодатини адо этувчиларнинг олд ва хулқлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик:

– Ҳаж амалини мукаммал адо этиш учун нафақат жиддий имкониятга эга бўлиш, балки унга имомий, руҳий ва маънавий тайёргарлик кўриш ҳам зарурдир. Аввало, ҳаж ибодатини адо этишга ҳозирлик кўрувчининг ниёти холис, Аллоҳ таолонинг розилиғи бўлиши керак. Бинобарин, бу сафарга тижорат ёки саёҳат учун эмас, балки зиммадаги фарзини адо этиш, гуноҳлардан поклини келиш учун борилади. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, фахрланиш каби нарсаларни зинҳор ҳаёлига келтирмаслик талаб этилади. Зеро, Аллоҳ таоло буюради: “Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун мукаммал адо этинг!” (Бақара сураси, 196-оят).

Ҳажга отланувчи гўзал одоб билан хулқланиши, қалбини гуноҳлардан тозалаши зарур. Бунинг учун содир этган гуноҳларига астойдил надоматда бўлиб, қайта тақорламасликка азму қарор қилсин. Кимни ранжитган ёки кўнглини оғритган бўлса, уэр сўрасин. Ота-она ҳаёт бўлса, уларнинг розилигини, дуоларини олсин.

Шунингдек, уйдан чиқишдан аввал ҳадисда айитланганидек: “Сизларни Унга тақдирланган омонатлар зое бўлмайдиган Зот Аллоҳга омонат топширдим” (Имом Ибн Можа ривояти) дуосини ўқисин.

Ҳажда беҳуда ишлар билан овоза бўлиб, совға-саломларга чалғиб, ибодатлардан, зикрлардан, айниқса, намозга эътиборсизлик қилмасин. Аллоҳ таолонинг зикрида бўлсин, истиғфорни кўпайтирсин, Қуръони каримни кўп тиллаб қилсин. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анху) ҳажда бир кишини кўриб: “Сайру саёҳат қилиб, дўконларни айланиб юрибсанми?”, дедилар. Ҳалиги киши тасдиқ жавобини берганида, унга Ҳазрат Умар (розияллоҳу анху): “Ундай бўлса, қайтадан ҳаж қилгин!”, деган экан.

Афсуски, баъзан ҳожалик номини олиш, тижорат, обу-эътиборга эришиш, рив ёки манманлик мақсадида ёки улуг ибодатни саёҳат деб ҳажга бораётганлар ҳам учраб туради. Бундай ниётда қилинган ҳажнинг савоби бўлмайди. Балки кетказган вақти беҳуда, сарфлаган маблағи фойдасиз кетган бўлади. Келганидан кейин яна ўша аввалги ёмон ҳулқига қолаверади. Бу ҳақда саҳобалар: “Ё Расулulloҳ, ҳажни қабул бўлганини қаердан биламиз?”, деб сўрадилар. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Ҳажга бориб келган киши келганидан кейин олдинги гуноҳ ишларини тақорламаса, яхши томонга ўзгарса, ҳаж ибодати қабул бўлганининг белгисидир”, дедилар.

Юқоридаги каби муқаддас ҳаж ибодатини орзу-хавасга айлантираётганларнинг учраб туриши ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш, ҳаж арконларининг шариатда белгиланган шартларини баён этиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан “Ҳаж ҳақида”ги фатво чиқарилди. Мазкур фатвода ҳожиларнинг ҳалоллик ва покликда, гўзал ахлоқ-одобда, савоб ишларда намуна бўлишларига оид кўрсатмалар қўйиб этилган.

Бу кўрсатмалар ҳажга боришнинг фуқароларимиз учун жуда муҳимдир. Бинобарин, ушбу тавсиялар динимиз талаблари, халқимизнинг асрлар оша шакланган миллий қадриятларига асосланади. Аллоҳ таоло барчамизни мабрур ҳажларга насиб қилсин!

Даврон НУРМУҲАММАД
эзоб олди
Заб



ЁШ РАССОМЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг иқтидори халқаро танловларда мунтазам эътироф этилмоқда. Жумладан, 2017 йил Чехиянинг Лидице шаҳрида бўлиб ўтган болалар бадиий ижодиётига оид халқаро танловнинг яқинда эълон қилинган натижаларига кўра, беш нафар ёш мусаввиримизнинг расмлари мазкур танловда мукофотга муносиб топилган.

"Лидице - 2017" халқаро кўрғазмасида жаҳоннинг 80 дан ортиқ давлатидан 25 минг нафардан зиёд ўғил-қизнинг "Саёҳат" мавзусидаги ранг-баранг расмлари намойиш этилди. Ғолиблар сафида мамлакатимиздан Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқувчилари ҳам ўрин олди. Мазкур лицей ўқувчиси Нодирхўжа Фатхуллахўжаев мусиқа оламига саёҳат мавзусидаги сурати учун танлов медалига муносиб топилди. Энг яхши ўқув маскани учун йўналиши бўйича эса мазкур билим даргоҳининг ўқувчилари Нуриддин Ҳожиҳўжаев, Тўлқин Зиёдуллаев, Абдор Абдуҳакимов ва Бўрон Алибоев чизган

расмлар фахрий мукофотларга сазовор бўлган. Ўқувчиларимиз ижодининг турли халқаро кўрғазмаларда муваффақият қозонаётгани юртимизда ёшлар, маданият ва санъатга кўрсатилаётган эътибордан далolat беради, - дейди ЎЗА мухбирига Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқувчиси Бобур Расулов. - Ўтган вақт мобайнида ёш рассомларимиз "Лидице" ижодий лойиҳасида мунтазам қатнашиши билан бирга Россия, Болгария, Литва ва бошқа давлатларда ўтказилган болалар расмлари бўйича халқаро кўрғазмаларда ҳам совринли ўринларга лойиқ топилган.

Н.УСМОНОВА

Пойтахтимизда мактабгача таълим соҳасига оид қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълимнинг ушбу тизими муассасаларида соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этиш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиги Н.Мавлонова ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, соҳани тубдан ислоҳ қилишда, таълимнинг ушбу тизимига болалар қамровини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат талабларига, санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган маҳсулотлар ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг оқибатига ҳамда соддаштилган тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Семинарда мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида овқатланишини таъминлаш, ёш хусусиятларини инобатга олиш, бунда кадрларнинг касб

масъулиятини ошириш юзасидан фикр юритилди.

Ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиб камолга етиши улар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, хавфсизлигига боғлиқ, - дейди Шайхонтоҳур туманидаги 588-мактабгача таълим муассасаси мудириси Саодат Тўрахонова. - Бу борада қабул қилинаётган миллий қонунчилик ҳужжатлари, соҳага жорий этилаётган янгилликлар билан атрофича танишдик.

Семинарда иштирокчилар Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг мазмун-моҳияти, бу борада санитария-гигиена меъёрларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, мактабгача таълим масканларига тўғридан тўғри шартномалар тузиш билан озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб бериш орқали соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисидаги тартиб билан таништирилди.

(ЎЗА)

"101"

ҚОНДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК!

Фуқароларнинг лоқайдлиги тўғрисида кўндаларда ёнғинлар тез-тез учраб турибди. Айниқса, фуқароларимиз газ асбобларидан нотўғри фойдаланаётганликлари кўпгина ёнғинларнинг содир бўлишида асосий сабабдир. Ёнғинга газ асбобларини қаровсиз қолдириш, газ плитанинг кўчириш, пилта ёки печка устида кийим-кечақларни қуритиш, резина шланг улаб ишлаш ва ҳар хил турдаги электр иритиш анжомларидан фойдаланиш ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

Ёнғин оқибатида давлат ва халқ мулкига катта зарар етиши билан бирга бу оғат инсонлар ҳаётига хавф солмоқда. Баъзи ҳолларда ёнғин чикишига ота-оналарнинг ўз фарзандларига эътиборсизликлари ҳам сабаб бўлаётди. Болаларнинг қўлига тушиб қолган гуғурт "тилсиз ёв"ни юзага келтирувчи бўлса, лоқайдлик ва бепарволик асосий омиллардандир.

Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун катталар эътиборли бўлсалар, ўз уйи, мол-мулки, фарзандларининг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлардилар.

Азизжон АЗИМОВ,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик катта театри биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинимаси инспектори, сержант

Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида келиб чиқмоқда. Уларнинг сабаби кўп ҳолларда бир-бирига яқин омиллардир. Булар оқибат билан ишлашдаги эҳтиётсизлик, электр ва газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш, шунингдек, ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши оқибатида юзага келмоқда. Шу билан бирга ертўлларида ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли моддалар сақланишини ҳам шунлар қаторига киритиш мумкин.

Уйларнинг ертўла ва чордоқларида тез аланга олувчи моддалар: бензин, керосин, ацетон ва бошқа суюқликларни сақлаш асло мумкин эмас. Улар сақланадиган жойларда эса очик оловдан фойдаланиш, шам ёқиш ёки гуғурт қақиш қатъиян ман этилади. Чунки бундай эҳтиётсизликлар катта талафотларга сабаб бўлиши амалга келтирилади. Бундай оғатлар нафақат шу хондон аҳли, балки кўни-қўшилларнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид солади.

Файзулла САЙДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президент Девони биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлинимаси инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ марказий идора ҳисоб рақами ўзгарганлигини маълум қиламиз

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ марказий идораси томонидан ташкил этилган оммавий савдоларда турган мулкларга қизиқиш билдирган талабгорларга ҳамда жамият ҳамкорларига банкдаги ҳисоб рақам ўзгарганлигини маълум қиламиз: ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали, МФО - 01121, х/р: 22604000204920609001, СТИР - 207122519.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: (0371) 228-84-48, 228-80-24. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltysavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат қорхонаси томонидан Тайирова Гулсара номига Юнусовоб тумани, А.Дониш кўчаси, дехқон бозори бекати манзилида нотураж жой учун берилган 7-257/2003 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели туманидаги 237-мактаб томонидан 1996 йилда Базарова Феруза Аскарвовага берилган АО № 0047432 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб томонидан 2005 йилда Каҳорон Абдугани Абдуваҳитовичга берилган У № 1525131 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яшнобод тумани, Тузель 2-мавзеси, 22а-уй манзилида яшовчи фуқаро Зухра Ибрагимовичга тегишли 4-343/2009 реестр рақамли (гувоҳнома TS 0036016) кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Юридик институти томонидан 2009 йилда Юсупов Хуршид Абдурашитович номига берилган В № 432419 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яқсарой тумани ТСРҮИдан 03.04.2015 йилда 008487-11 (СТИР 303287162) реестр тартиб рақами билан йўқотилган ўтган "BIOMEDINDUSTRY" масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий ҳуқуқий шакли "BIOMEDINDUSTRY" хусусий қорхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент шаҳрида 20 январь куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга ҳароратнинг кечаси ва эртада туман тушиб кетди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 0-2, кундузи 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгирометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бар оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосаланиш даражаси паст бўлади.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда ушбу қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, шундай ҳолатларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида республикамиз божхоначилари томонидан мунтазам чоратадбирлар олиб борилмоқда.

ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар туркумига халқаро почта орқали юборилаётган жўнатмалар ҳам кирди. Шундай экан, почта жўнатмаларини самарали божхона назоратидан ўтказишга ҳам тизимда алоҳида эътибор қаратилади.

Чунки амалдаги тартибларга риоя қилмасдан туриб, почта жўнатмалари орқали тижорат мақсади учун кўзланган товарларни божхона чегаралари орқали олиб ўтиш ҳолатлари учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Бошпочтамп" ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан Туркиядан юборилган почта жўнатмаларидаги маълумотларни таҳлил қилиш давомида уларни шубҳалантирган жиҳат фой бўлди. Қарангки, жами оғирлиги 1120 кг дан ортиқ бўлган ушбу жўнатмалар 55 нафар фуқаролар номига юборилган бўлса-да, жўнатмалардаги манзил ва боғлашиш учун телефон рақамлар айнан бир хил бўлиб чиқди.

Кўриниб турибди-ки, уларни қабул қилувчи аслида битта шахс бўлиб, божхона ходимларини чағитиш мақсадида турли исм-шарифлардан фойдаланилган. Шу тариха қонунбузарлар почта жўнатмалари орқали қиймати 150 млн. сўмлик 3 минг донага яқин турли хилдаги кийим-кечақларни олиб киришга уринишган.

Яна бир ҳолатда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Чуқурсой техник идора" чегара божхона пости ходимлари Республика транспорт прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро М.Исмаилов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) номига Хитой давлатидан келган контейнерларни божхона кўригидан ўтказиш чоғида, юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилган умумий қиймати 6690 АКШ долларига тенг "Ишлаб чиқариш дастгоҳлари" билан бирга ҳужжатларда кўрсатилмаган 3500 донга косметика ва парфюмерия товари, 1650 донга чўғланма электр лампа, 108 тонна ширинликлар ҳамда хўжалик товарлари борлиги маълум бўлди. Дастлабки маълумотларга асосан ушбу аниқланган товарларнинг нархи салкам 920 млн. сўмни ташкил этар экан. Контейнерни божхона кўригидан ўтказиш вақтида аниқланган электр чўғланма лампочкаларнинг қуввати 500 Вт. бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги қарори талабларига биноан 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб бу турдаги маҳсулотларни реализация қилиш тақиқланган.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қонунбузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 120-76-71 - "Ишонч телефони" рақамига кўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтаемиз.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Спорт

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда вояга етмаган ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, болалар ва ўсмирлар ўртасида миллионлар ўйини - футболни янада оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ўртасида меморандум имзоланди.

Бундан асосий мақсад шундаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги вояга етмаганлар, ёшлар, болалар, ўсмирлар, спорт масалалари бўйича комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, футболни оммалаштириш, муҳлислик маданиятини ривожлантиришдир.

Меморандумга кўра, ЎФФ ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож

оилалар фарзандлари учун бепул футбол гуруҳлари ташкил этилади. Ҳаваскор футболчилар ўртасида уюштирилаётган "Футболимиз келажаги" ҳамда "Чарм тўп" турнирларида ўз маҳоратини кўрсата олган футболчилар профессионал жамоаларга тавсия этилади. Маҳаллаларда турли хил футбол фестиваллари, тадбирлар, турнирлар ўтказилади. Тадбирлар ва турнирлар ғолиблари муносиб тарзда рағбатлантириб борилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Қилмиш-қидирмиш

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ

Динора (исм-шарифлар ўзгартирилган) асли бухоролик бўлиб, пойтахтга тирикчилик вазида ишлаш учун келганди. У дастлаб кафедра официантлик қилиб юрди. Шу аснода қашқадарёлик Зафар исмли бола билан танишди. Ишдан бўш пайтлари улар кўча-кўйда "гаплашиб" юришди. Оқибатда Динора ҳомилдор бўлиб қолди. Нима қилиш керак?

Зафарга бу ҳақда айтганида у тонди, "мени қишлоқда ўз фотиҳланган қизим бор", деди. Динора Бухорога ҳомилдор бўлиб қайтишни ўзига ор деб билди. Бу ҳақда онаси Шоҳида Жумаевага айтганида болани бирор болага зор аёлга сотиб юбориш ҳақида маслаҳат берди.

Бир пайтлар таниши бўлган Дилбар опага ҳомилдорлиги, болани сотмоқчи эканлиги ҳақида айтганида Ифора Каримова исмли дугонаси бор-

лигини айтиб, у билан таништириб қўйди. Ифора ва Динора телефонда хабарлашиб туришди. Тугилажак бола ўғил бўлишини, уни минг АКШ долларига сотадиган бўлишиди.

2017 йил 16 август куни чақалоқ туғилди. 22 август куни она ва бола туғруқхонадан чиқиб, болани И. Каримовага 1000 АКШ долларига сотаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланди.

Суд мажлисида она ва бола ўз айбига тўлиқ иқроор бўлди. Ушбу ҳолат одам савдоси жинойти билан малакаланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдорларга нисбатан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Аслини олганда, Ш. Жумаеванинг 3 фарзанди бўлиб, фарзандлар тарбиясига эътибор йўқолганди. Динора мактабни биттириб, вояга етган маҳали паспортини ҳам олмасдан Тошкентга ишлагани келган. Онаси унга бепарво. Оқибатини эса кўриб турибсиз...

Мусо ЮСУПОВ, Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди судьяси

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълоплар (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашр учун маъсул О. Ҳазратов

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10366 нусxada босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун маъсул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00